RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

УШБУ СОНДА:
2 ИШОНЧ УСТУВОР БЎЛСИН!
3 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДДАС
ДИЁНАТ САБОҒИ
4 ҲУКМ ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ!

MEZON:

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари;

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари;

жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи (бадал киритувчи) — жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс (бундан буён матнда иш берувчи деб юритилади);

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи — фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ва ана шу ҳисобваракка келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 3-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 9 (415) 2005 йил 1 март сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ЖАЗОНИНГ МАҚСАДИ – ЖАВОБГАРЛИКДАН ОГОҲ ЭТИШ

Содир этилган жиноятга яраша жазо белгилаш — жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини қўллаш билан боғлиқ мезонларни ишлаб чиқиш суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг долзарб масалаларидан биридир. Жиноий жазоларни либераллаштиришга доир тадбирларни амалга оширишнинг, умуман айтганда, жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ давлат сиёсатининг моҳиятида айнан шу нарса ётади.

Аслида жиноятчиликка қарши курашнинг йўл-йўриқларини тубдан ўзгартириш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни камайтириш чораларини кўриш барча давлатларда бир хил эмас. Жаҳондаги давлатларнинг жуғрофий жойлашуви, халқларнинг миллий минталитети, диний қарашлари хилма-хиллиги боис, минтақалардаги ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ ўзгаришлар ҳамда уларнинг тараққиёт даражаси ҳам турлича. Шу нуқтаи-назардан қараганда, глобаллашув жараёнида жамият ва давлатнинг ўзига хослиги яққол намоён бўлади. Бироқ, шунга қарамай, давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашида умумий муштарак стратегияси, ўзаро ҳамкорлик мавжудлигини унутмаслик даркор. Дарҳақиқат, БМТ ва шунга ўхшаш халқаро ҳамда давлатлараро ҳамда минтақалараро давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳозирги даврдаги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири трансмиллий, уюшган жиноятчиликка барҳам бериш, энг муҳими, бирор-бир давлатнинг уюшган жиноятчилик учун "транзит" мамлакатга айланишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, алоҳида бирор-бир жамият ёки давлат якка ўз-ўзича — бошқа давлатлар билан муносабатга киришмай юксала олмайди. Табиатдаги каби жамиятлар ҳам ўзаро боғлиқ, бири иккинчиси учун ривожланиш, юксалишда мадад бўлади. Ўзаро боғлиқлик ва мувозанатни қарор топтириш заруратига ҳар қандай давлатда, жумладан, демократик қадриятлар чуқур илдиз отган давлатларда ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил сифатида қаралмоқда. Жаҳонда технология, коммуникация тизими такомиллашиб борган сайин компьютер технологияси, интернет тизимидан ўта оғир жиноятларни содир этишда восита сифатида фойдаланиш авж олмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, азалдан жиноят ва жазо, жиноятчиликка қарши кураш масаласи жамиятдаги энг мураккаб муаммолардан бўлиб келган. Жиноятчиликнинг сабаби ва табиати, жиноятчининг шахси, жиноятнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқшунослар, файласуфлар, социологлар, сиёсатчи ва руҳиятшунослар минг йиллар давомида турлича қарашларни олдинга суриб келмоқдалар. Уларнинг айримлари бошқасининг қарашларини тўлдирган бўлса, яна бир тоифа олимлар ўзларигача билдирилган ғояларни инкор этишга уриниб, янгича қарашларни илгари суришган. Шу тариқа бошқа ҳуқуқ соҳалари сингари жиноят ҳуқуқи фани ҳам ривожлантирилган. Жиноят билан боғлиқ назарий қарашлар хусусида сўз юритганда, жазо тўғрисидаги таълимот ҳақида ҳам фикр юритиш лозим, албатта.

Жазо тўғрисидаги қарашлар жиноят ҳуқуқи фанида алоҳида муҳим йўналиш тарзида ўрганилади. Ҳар бир жиноят учун жазо белгилашда нафақат содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, жиноятчининг шахсини тавсифловчи барча ҳолатларга, жумладан, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор бериш, жавобгарлик ёки жазодан озод қилишнинг қонунда белгилаб қўйилган асослари бор-йўқлигини, жазони ижро этиш жараёнида жазонинг шартли ёки енгилроқ турига алмаштириш масаласини муҳокама қилиш, амнистия, авф этиш, судланганлик ҳолатини олиб ташлаш, вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг ўзига хослигига алоҳида эътибор бериш, жиноят содир этган пайтда ёки ундан кейин ақли норасо шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш каби муҳим институтларни тўғри татбиқ этиш зарур бўлади.

Жиноят ҳуқуқи фани ва амалиётида жазо тўғрисида сўз юритганда жазонинг мақсади нима, жиноятчини жазоламаса ҳам бўладими, ҳар қандай жиноят учун жавобгарлик муқаррарми ёки жазо муқаррарми, деган саволларга жавоб беришга тўғри келади. Бу масалада миллий давлатчилигимиз анъаналарига назар ташласак, жазолаш (иқоб) ислом жиноят ҳуқуқининг (укубот) энг муҳим категорияларидан саналганига гувоҳ бўламиз. Манбаларда қайд қилинишича, ислом ҳуқуқидаги жазо турлари исломгача бўлган даврдаги жазо турларига мос келади. Жазо шариатдаги қоида ва меъёрлар талаби бузилганида қўлланилган. Жазо фақат қози, суд, подшоҳ ёки имомнинг ҳукми билан белгиланган. Дунёвий давлатлардаги каби ислом ҳуқуқида ҳам жиноий қилмишлар ижтимоий хавфлилик даражасига қараб табақалаштирилган. Саноқли ўта оғир жиноятларга ўлим жазоси белгиланган. Ушбу жиноятларни фош этишда исботлаш жараёнини синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холис ўтказиш талаб қилинган. Айниқса, далилларни баҳолашда эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Назарий манбаларда қайд этилишига қараганда, исботлаш жараёнида пайдо бўлган ҳар қандай шубҳа айбдор фойдасига ҳал этилган.

(Давоми учинчи бетда)

СЕШАНБАДАН СЕШАНБАГАЧА

МАМЛАКАТИМИЗДА

Президентимиз Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Фикрет Акчура билан учрашди.

* * *

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ва хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари "Меҳр" бирлашмасининг ташаббуси билан Тошкентда "Жамиятнинг демократик янгиланишида хотин-қизларнинг ўрни" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Жанубий Кореянинг "LG Electronics inc" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигидаги "LG Гранти — 2005" ижтимоий лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

Тошкентда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг 12-Бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг охирги тўрт йил мобайнида амалга оширилган ишлари муҳокама қилинди.

ХОРИЖДА

Фаластин мухторияти бош вазири Аҳмад Курей вазирликка номзодларнинг барчасини рад этди. У Вазирлар Маҳкамаси таркибига номзодларни ўзи тақдим қилишини билдирди.

* * *

Индонезиянинг Папуа музофотида маҳаллий полицияга қарашли самолёт ҳалокатга учради. Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, самолёт бортидаги 18 кишидан 15 нафари ҳалок бўлган, қолган 3 киши эса ўта оғир аҳволда.

* * *

Эроннинг Жануби-шарқий қисмида жойлашган Керман музофотида Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллик кучли зилзила юз берди. Сўнгги маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида 400 нафарга яқин киши ҳаётдан кўз юмган, бир нечта қишлоқ вайрон бўлган.

* * *

Ливан пойтахти Байрутда кучли портлаш рўй берди. Оқибатда мамлакатнинг собиқ бош вазири Рафиқ Харири ҳалок бўлди. Шунингдек, портлаш туфайли 9 киши ҳаётдан кўз юмган.

* * *

Бағдоддан 130 километр шимолда жойлашган Тикрит шаҳрида миналаштирилган автомобилнинг портлаши натижасида 15 киши ҳалок бўлди, 25 киши жароҳат олди.

E`tirof

ФЕРМЕРЛИК — МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Президентимиз Ислом Каримовнинг Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказган йиғилишида "Модомики, фермер қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули экан, бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, масъулиятини ошириш, ерни уларга 50-100 йиллик муддатга ижарага бериш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин", деган фикрлари бизни тўлқинлантириб юборди.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда биз — фермерларга кўрсатилаётган бундай эътибор бугунги кунда ўз амалий натижасини берибгина қолмай, келажак учун ниҳоятда пишиқ-пухта замин яратмоқда. Албатта, юрагида ўти бор деҳқон бундай ғамхўрликка яраша ёниб меҳнат қилади.

Бекобод тумани Тошкент вилоятида тупроқ иқлим шароити нисбатан оғирроқ туманлар сирасига киради. Ҳозирги вақтга келиб туманда экин майдонларининг салкам ярми фермер хўжаликлари ихтиёрига ўтди.

Ўтган йили паст рентабелли олти ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида 292 фермер хўжалиги ташкил этилди. Ер ҳақиқий эгасини топгач, олинаётган ҳосил салмоғи ҳам ошди. Бундан деҳқон ҳам, мамлакат ҳам манфаатдор. Ўтган йили давлатга сотилган доннинг 51 фоизи, пахтанинг 53 фоизини фермерлар етказиб беришди.

Ўзим раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида барча соҳалар бўйича ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган йили давлатга 31 тонна дон, 36 тонна пахта сотдик. "Пахтабанки"нинг туман бўлими кредити ҳисобига техникаларимизни бутлаб олганимиз ҳам қўл келмоқда.

Туманда бешта муқобил МТП, олтита ёнилғи қуйиш шахобчаси, шунча сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фермерларга хизмат кўрсатмоқда.

Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишда Президентимиз нафақат фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга улар олдидаги вазифаларни ҳам белгилаб берди. Шундай экан, енг шимариб меҳнат қиладиган дамлар келди. Бу йил ўтган йилгидан ҳам баракали ҳосил қўтариш учун шарт-шароит ҳам, имконият ҳам етарли. Қолгани эса ўзимизнинг қўлимизда. Деҳқоннинг қўлидан нималар келишини халқимиз яхши билади. Деҳқоннинг сўзи битта — билдирилган ишончни оқлаймиз.

Шерали ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилояти, Бекобод тумани "Шерхон" фермер хўжалиги раҳбари

Bugunning gapi

ШАРТНОМА ВА МАЖБУРИЯТ

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда бошқа соҳалар қатори аграр соҳада ҳам туб бурилиш, янгиланиш жараёни амалга оширилаётганига алоҳида тўхталиб, иқтисодий соҳадаги муҳим устувор вазифалардан бири **"Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарурий моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур"** дея таъкидлар экан, бу соҳани янада ривожлантириш учун фермерларга **"бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш керак"**лиги, **"энг муҳими — барча томонларнинг қабул қилинган шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан қатъий интизом ўрнатилиши даркор"**лигини қайд қилди.

Дарҳақиқат, ҳар бир фермер шартнома шартларини бажаришга масъул эканини бутун вужуди билан ҳис этмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Tahlil va saboq

РАД ЭТИЛГАН ДАЪВО

Шу йил 7 феврал куни давлатимиз раҳбари Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказган йиғилишида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, бу соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни ер, кредит ресурслари билан таъминлаш, мухтасар айтганда, фермер хўжаликларининг мустақил оёққа туриб олишига имконият яратиб бериш хусусида қуйиниб гапирди.

Мамлакатимиз аграр тизимида фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан юқори рентабелли бўлиши, зарар кўрмай фаолият юритаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Энг муҳими, фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва уларга узоқ муддатли ижарага бериладиган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатлар яратилди. Ер ва фермерларнинг эҳтиёжларига қараб барча зарур сервис хизматларини кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси тараққий этиб бормоқда.

Вобкент туманидаги "Жобир — 2001" фермер хўжалиги ташкил топганига эндигина тўрт йил бўлди. Ёш, изланувчан тадбиркор Жобир Рамазонов бошчилик қилаётган хўжаликда ғалла ва пахта ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган йили ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 71 центнерни ташкил этди. Пахтадан эса 51,1 центнер ҳосил олинди. Бу — бугунги фермер чинакам ер эгасига айланиб бораётганидан, ҳақ-ҳуқуқларидан хабардорлигидан, масъулият ҳисси ошаётганлигидан далолат беради.

Афсуски, баъзан фермер хўжаликлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига уларнинг йўлига тўсиқ қўйиш ҳоллари ҳам учраб туради. Фикримизни исботлаш учун қўйидаги мисолга мурожаат қилайлик.

Ромитан туман ҳокимининг 2002 йил 18 июндаги 831-сонли қарори билан "Темур" фермер хўжалигига 13,5 гектар ер майдони ажратилган. 2002 йил 19 июнда 55-сонли ерни узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси билан 13,5 гектар ер майдони, шундан 10,9 гектар суғориладиган ер майдони ажратиб берилган хўжалик пахта етиштириб келган.

Президентимизнинг **"2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсияси тўғрисида"**ги Фармонига асосан 2004 йил 8 мартда туман ҳокими билан фермер хўжалиги ўртасида янги ижара шартномаси тузилади. Фермер хўжалигининг ер майдони 17,5 гектарга етказилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Taassuf

КЎМАКЛАШГАННИНГ КЎМАКЧИСИ КЎП

Хоразм вилоятининг Давлат санитария-эпидемиология хизматининг Гурлан туман Маркази раҳбарлари Текширишларни мувофиқлаштириш комиссиясига 2003 йили 75 та назорат тадбирига рухсат берилишни сўраб мурожаат қилган. Масалани атрофлича ўрганиб чиққан комиссия атиги 38 та текширишга рухсат берган. Албатта, Марказ мутасаддилари бундан тегишли хулоса чиқариб, кейинги йил текширишлар ҳажмини бир қадар қисқартириши зарур эди. Лекин улар бундай йўл тутишмади.

2004 йили жами 148 та, йилнинг биринчи ярмида эса 77 та текширишга буюртма беришди. Кенгаш эса борйўғи 28 та текширишни мақсадга мувофиқ ҳисоблади.

Хўш, Марказ нега назораттафтиш тадбирларини кўпроқ ўтказиш йўлини тутаяпти? Бу саволга мутасаддиларнинг ўзлари **"текширишлар хўжалик субъектлари фаолиятини яхшилаш учун ўтказиляпти"** дея жавоб қайтариши аниқ. Бироқ чиндан ҳам, шундайми? Қонуний фаолият авваламбор, ҳар бир фуқаро ва жамоага наф келтириши муқаррарлиги юқорида таъкидланди. Текширилажак субъектларнинг аксарияти қонуний фаолият йўлидан бораётганини Марказдагилар билишмайди, дейсизми? Албатта, билишади. Унда бу сингари бехуда текширишларга қандай ҳожат бор? Келинг, бу саволнинг жавобини мутасаддиларнинг ўзига ҳавола этайлик. Чунки айрим "ёшулли"лар текширишларга нега бунчалик ружу қўйишаётгани шундай ҳам маълум. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати, яъни назорат-тафтиш тадбирининг қиммати, аҳамият ва оқибати ҳақида тўхталмай ўтиб бўлмайди. Айтайлик, битта текширишнинг ўзи томонлар учун қанчага тушишини тасаввур эта оласизми?! Тафтиш сабаб бой берилган иш ҳажми-ю, вақт кўлами-чи? Туман санитария-эпидемиология идораси башарти йил давомида ўзи режалаштирган 148 та субъектнинг ҳаммасини текширишга рухсат ололганида, бунинг оқибати нимага олиб келиши ўз-ўзидан аён.

Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритиш соҳасидаги эркинлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда беҳуда, бесамар, ноқонуний текширишларга чек қўйилаётганининг асосий сабаблари ҳам шу билан изоҳланади.

Қиссадан ҳисса шуки, беҳуда ва бемаврид қилинган ҳаракат ҳеч кимга, шу жумладан, бу ишнинг бошида турганларга ҳам бирон-бир наф келтирмайди.

Фуқаро Ж.Бозорбоев оиласи учун иморат қуриш ниятида тегишли ер участкаси ажратишни сўраб ёзган ариза мазкур туман ҳокимлигида уч ойдан ҳам зиёд вақт мобайнида ҳаракатсиз ётди. С.Вафоевнинг автобекат қуриш юзасидан 2004 йил 31 мартдаги мурожаатига эса ҳокимлик орадан икки ойдан ҳам кўпроқ вақт ўтгач, яъни ўша йилнинг 2 июнида жавоб қайтарган.

Фуқаро Н.Матёқубовнинг боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этишни баён этиб ёзган аризаси ширкат хўжалиги бошқаруви орқали ҳокимликка 2004 йилнинг 25 мартида келиб тушган бўлса-да, уни кўриб чиқишга ҳокимлик сираям шошилмаган. Туман ҳокимининг ушбу аризага оид қарори орадан салкам уч ой ўтгачгина, аниқроғи, 2004 йилнинг 17 июнида қабул қилинган.

Адлия ходимлари томонидан туманда ўтказилган режали назорат тадбири давомида бу каби ножоиз ҳолларга кўп марта дуч келинди, десак, хато қилмаймиз.

Ниятинг холис, дилинг пок, виждонинг тоза бўлса, қонунийлик, шак-шубҳасиз, тантана қилади.

(Давоми иккинчи бетда)

РАД ЭТИЛГАН ДАЪВО

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бироқ кейинчалик Ромитан туман ҳокимлиги вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Темур" фермер хўжалиги билан "Бухородонмаҳсулотлари" АЖ ўртасида 2003 йил 12 декабрда тузилган 48-сонли контрактация шартномасига кўра, фермер хўжалиги тайёрловчига 2004 йил ғалла ҳосилидан 8 тонна қарздорлигини баён этган. Тайёрловчи олинган маҳсулот ҳақини тўлаши лозимлигини қайд қилган.

Шунингдек, фермер хўжалиги томонидан мазкур шартнома мажбуриятларини умуман бажарилмагани, 3 гектар ер майдонидан хўжасизларча фойдаланиб келинганлигини билдириб, ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилишни сўраган. Бир қарашда даъво аризаси бекаму-кўст киритилганга ўхшайди.

Аммо масала моҳияти чуқурроқ ўрганилиб, ҳужжатлар таҳлил этилганда, даъво аризасидаги важлар ҳавойи эканлиги аён бўлиб, чиппакка чиқди. Яъни 2004 йил 8 мартда томонлар ўртасида ерни узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида шартнома тузилиб, ер майдони 13,5 гектардан 17,5 гектарга етказилганлиги рост.

Бироқ даъво аризасида қайд этилганидек, 2004 йил 8 мартда ғалла етиштириш бўйича шартнома тузилганлиги мантиққа тўғри келмайди. Тўғрироғи, ҳокимлик бундай шартномани ўзининг даъво аризасига илова қилолмади.

Бундан ташқари "Бухородонмаҳсулотлари" АЖ билан 2003 йил 12 декабрда "тузилган" 48-сонли контрактация шартномасида "Темур" фермер хўжалиги раҳбари М. Файзиева имзо чекмаган. Ҳужжатдаги муҳр эса фермер хўжалигига мутлақо дахлдор эмас.

Туман ҳокимининг 2004 йил ҳосили учун бошоқли дон етказиб бериш бўйича экинларни экишни режалаштириш тўғрисида 2003 йил 17 октябрдаги 19292-сонли қарорининг иловаларида ҳам "Темур" фермер хўжалигининг дон экиши ўз аксини топмаган.

Ўз навбатида "Бухородонмаҳсулотлари" АЖ судга 2004 йил ҳосили учун фермер хўжалигига уруғлик дон бермаганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этган. "Халқобод" МТП корхонаси эса экиш мавсумида фермер хўжалигига техника ажратмаганлиги ҳам аён бўлди. Ёлғоннинг умри қисқа, деганларидек, даъво аризасидаги қуруқ гапларнинг миси чиқди.

Туман ер ресурслари хизмати бошлиғи С.Умуров ва туман қишлоқ ва сув хўжалигида шартномаларни рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиғи И.Бозоров суд мажлисида фермер хўжалиги билан ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномаси тузилмаганлигини очиқ-ойдин эътироф этишди.

Ҳақиқатдан ҳам, 2004 йил 20 мартда 3 гектар ерга ғалла экилганлиги тўғрисида далолатнома тузилган. Бироқ экиш муддати ўтиб кетганлиги, агротехника талабларига амал қилинмаганлиги учун табиийки, уруғ униб чиқмаган. Нуфузли комиссия аъзолари томонидан фермер хўжалиги ерларига пахта экиш тавсия қилинган. Ғалвир сувдан қўтарилганда пахта етиштириш бўйича режа 107,1 фоиз бажарилган. Фермер хўжалаги 2003 йил дон етиштириш режасини 120 фоизга бажарганлиги туман статистика бўлими маълумотномасига қайд этилган.

Ер кодексининг 36-моддаси, 6-бандига кўра, **ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларга фойдаланилганда ер участкасига бўлган ҳуқуқлар бекор қилинади.** Шунингдек, **"Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш Тартиби"**нинг 27-бандида ер участкаси ижара шартномасининг шартлари бузилганда, яъни ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кодастр баҳосидан муттасил (3 йил мобайнида) паст бўлганда, ернинг узоқ муддатли ижара шартномаси муддатидан олдин бекор қилиниши ифодалаб берилган.

Кўриб турганингиздек, туман ҳокимлиги давлат манфаатларини, фермер ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун эмас, унинг ерини қонунга хилоф тарзда тортиб олиш учун енг шимарган. Табиийки, суд мажлисида даъво ариза рад этилди.

— Туманимизда 700 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Қишлоқда фермерликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни танқидий ўрганиб чиқиб, уларга одилона баҳо беряпмиз, — дейди биз билан суҳбат Пешку туман прокурори Хайрулло Ҳасанов. — Фермер хўжаликларига ажратилган ерларга ноқонуний равишда уй-жой қуриш ҳоллари ҳам мавжуд. Масалан, туман якка тартибда уй-жой қуришни бошқармаси мутахассиси А.Шомуродов ҳоким қарорини чиқартирмай, ўзбошимчалик билан фуқаро М.Кулматовга "Мустафо-Эгам" фермер хўжалигининг пахта майдонидан 0,15 гектар ер ажратиб берган. Унинг ваколат доирасига кирмаса-да, уй-жой қуришга рухсат берган.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш иқтисодиётимиз устуни, бугун ва эртамизнинг муҳим талаби бўлиб турибди. Шундай экан, **"фермер хўжаликларини, таъбир жоиз бўлса, бамисоли ёш боладек асраб-авайлаб, тарбиялашимиз лозим".**

Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Tahlil va saboq

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан газетанинг 2005 йил 25 январдаги 4-сонида чоп этилган Хатирчи туманидаги "Гули-заргул" фермер хўжалиги раиси Х.Қаршиевнинг "Шартнома бажарилмади, лекин..." сарлавҳали мақоласи ўрганиб чиқилди.

Мақолада вилоят хўжалик судининг фермер хўжалигига нисбатан жаримани ундириш ва ер ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан 2004 йил 16 ноябрда қабул қилинган ҳал қилув қарориданноролик баён этилган. Хўжалик Процессуал кодексининг 173-моддасида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори устидан фақат ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти, прокурор эса кассация протести келтириши белгиланган.

Юқоридаги қоидага асосланиб, Хатирчи тумани "Гули-заргул" фермер хўжалиги раиси Х.Қаршиевга барча асослантирувчи ҳолатлар баён этилган кассация шикояти тайёрлаб берилди.

Шунингдек, фермер хўжалиги раҳбарига кассация инстанциясида иштирок этиш учун ходим ажратишни сўраб, адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилди.

А.ХОЛМЎМИНОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Huquqiy maslahat

ДИРЕКТОРНИНГ ҲАРАКАТИ ҚОНУНИЙМИ?

Мен 1971 йилдан буён қишлоғимиздаги 8-сон умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синфларга дарс бериб келяпман. Эллик етти ёшдаман. Шу йил қишки таътилдан кейин директоримиз тўсатдан «сиз нафақадаги одамсиз», деб айтди. Ахир, мен нафақага чиқиш учун бирор жойга ариза берганим ёки мурожаат қилганим йўқ. Директорнинг бу хатти-ҳаракати қонунийми?

Ашур ТИЛАВОВ,
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани

— **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Аммо ушбу қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш мумкин. Яъни ходимлар сони (штатлари) қисқартирилиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилиши муносабати билан бўшатилган ва ишсиз мақомига эга бўлган шахслар:

эркаклар — 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Агар сиз нафақага чиқиш ниятида бўлсангиз, аризани туман ижтимоий таъминот бўлимига охирги иш жойингиздаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти орқали берасиз.

Ўз навбатида маъмурият (бошқарув) ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга аризачи истиқомат қиладиган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига юборади. Башарти, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган ходимга пенсия тайинлаш рад қилинса, унга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма хабар қилинади.

ЗАРАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Ҳаётимни ўқитувчиликка бағишладим. Эллик беш ёшга тўлгач, 2003 йил август ойида туман халқ таълими кадрлар бўлимига учрашиб, «нафақага чиқиш мумкинми», деб сўрадим. Улар "ҳа, бўлади, биз бунинг учун зарур ҳужжатларни тегишли жойга топширамиз", дейишди. Шу сабабли 2003 йил 2 сентябрда меҳнат дафтарчамга «нафақага чиққанлиги учун ишдан озод қилинди», деб қайд этиб қўйилди. Уша кундан бошлаб, то ҳозирга қадар на маош оламан, на пенсия. Суриштириб билсам, ҳужжатларим 2004 йил 15 ноябрда туман ижтимоий таъминот бўлимига келиб тушган экан. Ижтимоий таъминот бўлимидагилар биз ҳужжат қабул қилинган кундан нафақа тўлаймиз, дейишди. Бироқ мана орадан 4 ой ўтса ҳамки, нафақадан дарак йўқ. Менга 2003 йил сентябр ойидан то ижтимоий таъминот бўлимига ҳужжатларим топширилгунга қадар ўтган давр мобайнидаги иш ҳақимни ким тўлайди? Бундай вазиятда қонун бўйича қаерга мурожаат қилишим керак?

Жумақул НАЗАРОВ,
Навоий вилояти, Хатирчи тумани

— **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги қонуннинг 43-моддасига мувофиқ, ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охирги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти орқали берилади.

Жамоа хўжаликлари ва бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза жамоа хўжалиги (кооператив) бошқаруви орқали берилади.

Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган шахс маъмуриятнинг (бошқарувнинг) пенсия тайинлашга тавсия этишни рад этган қарорига рози бўлмаган ҳолларда, у пенсия тайинланишини сўраб бевосита туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ариза бериши мумкин.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари аъзоларига якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, бошқа фуқароларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризалар бевосита аризачилар истиқомат қиладиган жойдаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади. Ижтимоий таъминот бўлимлари пенсиялар тайинлаш масалалари юзасидан тушунтириш ва маълумотлар беришлари, шунингдек, аризачига зарур ҳужжатларни олишда кўмаклашиши шарт. Ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахслардан тегишли ҳужжатларни талаб қилиш, зарур ҳолларда эса, уларнинг берилиши асослилигини текшириш ҳуқуқига эга.

Корхоналар ва ташкилотлар пенсия учун (пенсия қайта ҳисобланиши учун) ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки ишончсиз маълумотлар бўлган ҳужжатларни тақдим этиш оқибатида пенсионерга етказилган зарар учун унинг қонун ҳужжатларида белгиланганидек, жавобгар бўладилар.

Корхона ёки пенсионер томонидан маълумотлари ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилиши оқибатида давлатга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар ижтимоий суғурта жамғармасига тўланади.

Ушбу моддадан кўриниб турибдики, халқ таълими бўлими ўз хатти-ҳаракати учун жавобгардир. Шу билан бирга ушбу қонуннинг 59-моддаси 2-қисмига мувофиқ, пенсияни тайинловчи ёки тўловчи идораниг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Демак, сиз кечикаётган нафақа ва компенсация бўйича туман ижтимоий таъминот бўлимига ва фуқаролик судига мурожаат қилишингиз мумкин.

ИЧКИ ТАРТИБ-ҚОИДА ВА НИЗОМДА БЕЛГИЛАНГАН

26 йилдан буён ўқитувчилик қилиб келяпман. 1996 йилдан шу бугунга қадар мактаб маъмуриятининг топшириғига биноан уч марта вилоят малака ошириш институтига ўқишга бориб келдим. Ўқишга бориб келиш учун кетган харажатларимни на мактаб маъмурияти, на туман маориф бўлимидагилар тўлашмаяпти. Бу ҳақда бош ҳисобчига маълум қилганимда, у фақат Ғаллаорол тумани билан Жиззах туманигача бўлган масофадаги йўл ҳақи тўланишини айтди. Ахир, мен уч марта ҳам вилоятга бориб келдим-ку. Сизлардан малака ошириш институтига бориб келганларга қанча миқдорда ва ким томонидан ҳақ тўланиши керакли ги ҳақидаги саволимга жавоб беришингизни илтимос қиламан.

Нуриддин АВАЗОВ,
Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани

— Малака ошириш институтига ўқишга бориб келганларга мактаб маъмурияти ва туман маориф бўлимидагиларнинг ички тартиб қоидалари ва низомларидан келиб чиққан ҳолда ҳақ берилади. Чунки ҳақ бериш ҳар бир ташкилотнинг ички тартиб қоидалари ва низомларида белгиланган бўлади. Шу билан бир қаторда иш берувчи ва ходимларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ шартномаларда ҳам бу назарда тутилади. Ана шулардан келиб чиқиб қанча миқдорда ва ким томонидан малака ошириш учун кетган ҳақ белгиланади.

Саволларга ҳуқуқшунос С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Bugunning gapi

ШАРТНОМА ВА МАЖБУРИЯТ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимида фикримизча, ўтган йили сезиларли туб ўзгаришлар рўй берганига сабаб фермер хўжаликларини, **"қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчи"** кучга айланишида шартнома мажбуриятларини бажариш йўлга қўйилганлиги, деб баҳолаш керак.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлашимиз жоизки, фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули ҳисобланади. Бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, масъулиятини ошириш учун авваламбор, уларга ер ажратиб беришда ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ёндашмоқ керак. Фермер — бу ўз хўжалигининг раҳбари, унинг қўлида 20 — 30 ва ҳатто ундан кўпроқ одамлар ишлайди. Демак, унинг масъулияти ҳам шунга яраша бўлиши керак. Масъулият биринчидан, давлат, жамият олдида бўлса, иккинчидан, унга ишониб, у билан бирга ишлайдиган аъзолари, уларнинг оиласи олдидаги масъулиятидир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бажарилишига жиддий эътибор берилмоқда. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки шартнома қонуний ҳужжат. Унга риоя этиб фаолият юритган тадбиркор ҳеч қачон кам бўлмайди.

Шу ўринда мамлакатимизда фермер хўжаликларининг сони 85,5 минг тани ташкил этишига эътибор қаратадиган бўлсак, 2004 йилда 9733 та фермер хўжалиги давлатга ғалла сотиш, 12611 таси пахта тайёрлаш бўйича контрактация шартномасини бажармаган, 1561 та фермер хўжалиги эса умуман дон топширмаган. Бу ҳол, табиийки, ҳар биримизни мулоҳаза юритишга, шартнома шартлари нега бажарилмаганлиги сабабларини билишга ундайди. Албатта, бундай ҳолнинг асосий сабабларидан бири лоқайдлик, иккинчиси эса масъулиятни юракдан ҳис этмасликдир.

Президентимиз Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказган йиғилишда таъкидлаганидек, айтайлик, ер бир йил ҳосил бермаслиги мумкин. Шундай ҳолатда унинг эгасини секин чақириб, сабабини аниқлаш лозим. Агарда ижарага олинган ер иккиуч йил узлуксиз ўз харажатини оқламаса, фермер уни қайтариб топшириши керак. Буларнинг ҳаммаси қонунда акс эттирилган.

Жойларда шартнома шартларини бажармаган фермерлар билан суҳбатлашганимизда шунга амин бўлдикки, уларнинг кўпчилиги шартнома шартларини бажармаганлиги учун тегишли тартибда жавобгарликка тортилишини билмайдилар. Бу эса ўз навбатида масъулиятсизликни келтириб чиқармоқда. 2004 йилда дон ва пахта топшириш бўйича контрактация шартномаларини бажармаган баъзи фермер хўжаликларига нисбатан прокуратура ва хўжалик судлари томонидан қўлланилган қонуний чоралар ўзининг кутилган самарасини берди. Шундай экан, аввало, фермерларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни қонунларнинг маъно-моҳиятини билишига, қонун устуворлигига сўзда эмас, амалда эришишига ўргатиш зарур.

Бунинг учун эса фермерлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини яна жонлаштириш, жойларда мунтазам равишда семинар, тренинглар ташкил этиш зарур. Республика фермер хўжаликлари уюшмаси ва унинг жойлардаги вакилликлари, маҳаллий ҳокимиятлар, адлия бошқармалари билан ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот олиб борса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ғ.АЛИЕВ

Qonun ko`magi

ИШОНЧ УСТУВОР БЎЛСИН!

Халқимизнинг ҳисобини билмаган икки марта адашади, деган ҳикмати замирида катта маъно бор. Дарҳақиқат, бугунги кунда пухта ҳисоб-китоб қилмай туриб, бир ишга қўл урган киши ютқазиб қўйиши ҳеч гап эмас. Чунки бугун талаб ҳам, дунёқараш ҳам ўзгарди. Шўро замонида, дейлик, илғор жамоа хўжалиги билан қолоқ жамоа хўжалиги давлатга берган даромадидан қатъи назар, бир хил иш ҳақи олар эди. Ёки сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган ва шу боис ҳам, зиён кўриб ишлаётган корхона бошқа бир даромадли корхонанинг соясида яшайверарди. Бу эса ўзгаларнинг меҳнатини қадрсизланишига олиб келарди.

Иш ҳақи миқдорида фарқ бўлмагач, қолоқ корхоналардаги ходимлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга интилишмасди ҳам. Сифатсиз маҳсулот йиллар давомида дўконларда чанг босиб ётарди ва вақти-вақти билан нархи арзонлаштириларди. Яна бир ажабланарли томони шундаки, бундай корхонанинг қолоқликка тушиб қолишлари сабаби ўрганилиб, бирон-бир жиддий чора кўрилмасди. Чунки ҳаммаси умумий, фойда-зиён бир эди. Яъни "умумий қозон" давлатники бўлиб, нима топилса, шунга тўкиларди ва ўз навбатида, кўп олиб келганга ҳам, оз олиб келганга ҳам бир чўмичдан тақсимланарди.

Бугун эса давр ҳам, талаб ҳам ўзгарди. Энг асосийси, мулк шаклининг ўзгаргани ҳар бир кишини ишчанлик, интилувчанлик ва ташаббускорликка ундамоқда. Бугун киши қанча меҳнат қилса, шунга яраша ҳақ олмоқда. Илғор корхона ишчиси ҳам катта ойлик, ҳам мукофот олса, қолоқ корхона ишчиси мукофот тугул ойлаб маош ололмайди. Демак, бу корхона раҳбари ҳам, ишчиси ҳам яхши ишлаш учун бош қотиради, янгилик қидиради. Энг асосийси эса, мавжуд маблағлардан унумли фойдаланишга интилади. Кимдандир қарзи бўлса, фоизи кўпайиб кетмасдан тўлашга, бошқа бировда пули бўлса, олишга, ҳатто суд орқали ундиришга ҳаракат қилади. Ахир, корхонанинг, қолаверса, юзлаб ишчиларнинг, борингки, раҳбарнинг тақдири шу пулга боғлиқ-да!

Масалан, Тошкент туман "ASTERA" МЧЖ Тошкент вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Тошкент шаҳар "Шифо Фарм Сервис" хусусий фирмаси ҳисобидан 424.360 сўм асосий қарз ҳамда **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонунга асосан қарзнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда 212.180 сўм пеня ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларини ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам, тарафлар ўртасида 2002 йил 12 январда дори-дармон етказиб бериш тўғрисида 159-сонли шартнома имзолаган ва унинг 8.1-бандига асосан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ёки бундай келишув амалга ошмаган тақдирда даъвогар жойлашган ҳудуддаги хўжалик судига мурожаат этилиши белгиланган. Шартноманинг умумий баҳоси 10 миллион сўмга тенг бўлиб, унинг 3.1-бандига асосан харидор томонидан 15 фоизлик тўлов амалга оширилгач, маҳсулот бериш назарда тутилган. Харидор томонидан ҳисоб-рақамига 75.000 сўм келиб тушгач, сотувчи 2002 йил 23 сентябрда 45-сонли ишончнома асосида харидорга 499.360 сўмлик маҳсулот берган. Бироқ харидор шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармай, олинган дори-дармон маҳсулотлари учун сотувчига 424.360 сўм қарзни ҳозирги кунга қадар тўламагани ўз тасдиғини топди.

Бундан ташқари шартноманинг 6.2-бандига кўра, жавобгарлик чоралари белгиланган бўлиб, даъвогар **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонунга биноан жавобгардан тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун 04 фоиз асосий қарзнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда 212.180 сўм пеня ундиришни асосли тарзда сўраган.

Тошкент вилоят хўжалик суди юқорида баён этилган ҳамда Хўжалик процессуал кодексининг 95,135-138, 145-моддаларидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар "Шифо Фарм Сервис" хусусий фирмаси ҳисобидан Тошкент туман "ASTERA" МЧЖ фойдасига 424.360 сўм асосий қарз, 212.180 сўм пеня ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Бундан ташқари Пскент шаҳар "Пскент Савдо Маркази" хусусий корхонаси ҳам Тошкент вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат этиб, жавобгар — Ангрен шаҳар "Ўзбеккўмир" кўмир қазиб олиш ва сотиш ОАЖ ҳисобидан 13.600.000 сўм асосий қарз, 1.088.000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида 2004 йил 30 июнда 100\04- сонли шартнома имзоланган. Шартноманинг 1.1-бандига асосан сотувчи харидорга бир донаси 100.000 сўмдан 160 дона "Светильник шахтный головной СГД-5" етказиб бериш, харидор эса олинган маҳсулот учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган. Шартноманинг 2.5-бандига асосан харидор томонидан сотувчининг ҳисоб-рақамига олдиндан 15 фоизлик, яъни 2.400.000 сўм тўлов амалга оширилгач, 2004 йил 27 августдаги 1220-сонли ишончномага асосан сотувчи харидорга 160 дона 16.000.000 сўмлик маҳсулот топширган. Ҳозирги кунда харидорнинг сотувчидан 13.600.000 сўм қарз эканлиги ҳужжатлар ҳамда тарафлар ўртасида 2004 йил 1 декабр ҳолатига тузилган таққослаш далолатномаси билан ўз тасдиғини топди.

Шунингдек, шартноманинг 7.3-бандига асосан харидор етказиб берилган маҳсулот учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, сотувчига тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун 04 фоиз, асосий қарз суммасининг 8 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган бўлиб, ҳақли равишда 1.088.000 сўм пеня ундириш сўралган.

Тошкент вилоят хўжалик суди бу ҳолатда ҳам қонунга асосан Ангрен шаҳар "Ўзбеккўмир" кўмир қазиб олиш ва сотиш ОАЖ ҳисобидан Пскент шаҳар "Пскент Савдо Маркази" хусусий корхонаси фойдасига 13.600.000 сўм асосий қарз ва 1.088.000 сўм пеня ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Юқоридаги мисоллардан кўринаётганидек, жавобгар — яъни қарздор корхона, ташкилотлар ўзига ҳам ва бошқага зиён етказишган. Олинган маҳсулот учун ҳақ белгиланган муддатда тўланганда эди, даъвогар уни яна бир фойдали ишга йўналтирган, ходимларига ўз вақтида иш ҳақи тўлаган бўларди. Қолаверса, жавобгар ҳам пеня тўлаб зиён кўрмасди. Ўз навбатида икки томонда ҳам вақти ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзага келмасди.

Баъзи хўжалик юритувчи субъектлар ёки хусусий тадбиркорлар қилган хизмати, етказиб берган маҳсулоти учун ўз вақтида ҳақ ололмаганлиги сабабли ночор аҳволга тушиб қолмоқда. Гоҳо улар банкрот деб топилмоқда. Буни олдини олиш учун ўзаро ишонч устувор бўлиши лозим. Айниқса, шартномавий муносабатга киришаётган томоннинг иқтисодий аҳволини етарлича ўрганиш зарур. Шунда бу каби низоларнинг олди олинади.

Хусниддин ИСАЕВ

КЎМАКЛАШГАННИНГ КЎМАКЧИСИ КЎП

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ушбу меъёрлар издан чиққан жойда эса хато ва қусурлар юзага келади. Ишдаги оддий нуқсон наинки уни содир этган мансаб соҳби ёки маҳкама, балки ўзгалар манфаатига ҳам жиддий путур етказади. Туман Архитектура ва қурилиш бўлимидаги айрим мутасаддиларнинг бир қарашда арзимасдек туюлувчи эътиборсизлиги маҳкамага на наф, на обрў келтирди. Аксинча, айрим фуқаролар дилида эътироз ва ишончсизлик уйғотди. Масалани назорат тартибида ўрганиш чоғида эса маҳкаманинг номи ҳатто "қоғоз"га ҳам тушди. Адлия ходимлари фуқаро Қудрат Эшниёзовнинг аризасига бўлган муносабатни жиддий қоидабузарлик сифатида баҳолашди. Чунки Қ.Эшниёзовнинг хусусий маиший хизмат шаҳобчаси қурилиши учун ер майдони сўраб ёзган аризаси туман ҳокимлигида 40 кун ҳаракатсиз ётган. Шундан сўнг аризани туман Архитектура ва қурилиш бўлимига ўтказишади. Аввалига 40 кун беҳаракат қолиб кетган ариза ушбу идорада ҳам узоқ ётди, деёлмаймиз. Бу ердагилар аризагўйга тадбиркорлик маскани учун ер майдони ажрата олмасликларини кўпам ҳаялламай маълум қилишди. Қизик, оддийгина "йўқ" сўзини айтиш учун ҳам салкам икки ой вақт сарфланибди. Назорат тадбири З.Сайдонова, Ж.Бекматов каби фуқароларнинг аризаларига нисбатан ҳам айнан шундай муносабатда бўлинганлигини кўрсатди. Туман ҳокимлиги ва архитектура маҳкамасидан чиқиб хиёл юрган киши ўзини тумандаги талай банк муассасалари оғушида кўради.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг туман бўлими тадбиркор М. Машариповнинг, "Пахтабанк"нинг туман бўлими "Матюсуф Раҳим ўғиллари" фермер хўжалигининг маблағини тегишли субъектларга ўтказиб беришга оид талабномаларини бажаришни турли баҳоналар билан пайсалга солиб келган. Бундай кўримсиз ҳолатга ҳар иккала банк ходимлари 10 март йўл қўйишган. Фактлар мижозлар маблағини ўзбошимчалик билан тасарруф этиш ҳоллари ҳам туман банкларида анчайин камчиликка айланганидан далолат беради. "Миллий банк"нинг туман бўлими "Нилуфар" корхонаси, "Халқ банки" бўлими эса "Гурлан бозори" ҳиссадорлик жамияти, "Пахтабанк" бўлими "Уста Одил" фермер хўжалигининг маблағларини эгаларининг розилигисиз бошқа шахсларнинг илкига тутқазиб юборганлигини фикримизни тасдиқлайди. "Пахтабанк" мутасаддиларининг бошқа бир мижозга бўлган муносабати эса ҳаммасидан ошиб тушади. Собиқ "Гулистон" (бу хўжалик ҳозир фермерликка ихтисослаштирилган) ширкат хўжалигининг 2,2 миллион сўм пули банк "ёшулли"ларининг хоҳишига биноан ўзга биров, аниқроғи, банкка инкасса топшириқномаси тақдим этиш ваколатига эга бўлмаган хўжалик субъектига тортиқ қилиб юборилди. Афсус, инкасса топшириқномасини тақдим этишга ҳаққи бўлмаган идора ва ташкилотларининг "илтимоси"ни адо этишга қаратилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар оқибатида мижозлар жами 18 миллион сўм маблағдан маҳрум бўлишди.

Туман ер, бино ва иншоотлар давлат кадастр бўлими оз сонли жамоаларнинг бири ва иши банк муассасаларидек ошиб-тошиб ётгани ҳам йўқ. Чиндан ҳам, иш ҳажми оз, бироқ камчилик ва нуқсонлар йўқ эмас. Назоратчилар бўлим ва мижозлар ўртасида расмийлаштирилган шартномаларнинг деярли бари, аниқроғи, 57 тасида қусурлар мавжудлигини аниқлашди. Гап шундаки, мазкур шартномаларнинг ҳаммаси нуқул бир томон — мижознинг мажбуриятию, жавобгарлиги, бажарувчининг эса устувор мавқеини ифода этади. Фуқаро Ж.Мадиёровнинг мурожаатига бўлган муносабат кишини таажжубга солади. Маълум бўлишича, аввалига ундан қоидада белгиланмаган нозарур ҳужжат-ширкат хўжалиги вакиллари йиғилиши баённомаси ҳамда ширкат хулосаси ортиқча равишда талаб қилиб олинган, сўнгра ҳали кўрсатилмаган хизмат учун 35 минг 533 сўм миқдорида пул ҳам ундирилган. Лекин фуқаронинг ҳожатини чиқаришга асло шошилишмаган. Шартномага мувофиқ бўлим ўз мижози олдидаги мажбуриятини 2004 йил 12 майгача бажариши зарур эди. Амалда эса ўша арзимасгина юмуш июл ойи охиригача адо этилмаган.

2004 йил Хоразм вилоятида бозор муносабатларини қарор топтириш, тадбиркорлик ҳаракатини уюштириш ва йўналтириш, хоҳ шаҳар, шоҳ қишлоқ жойида бўлсин, моддий бойликлар яратишда катта ижобий бурилишлар даврига айланди. Ҳалол меҳнат, қонуний фаолият билан ном қозонганлар Гурланда ҳам кўп. "Гурлантекс" қўшма корхонаси, "Деҳқонобод", "Вазир", "Амударё" ширкат хўжаликлари шулар сафида. Илғорлару, ютуқлар бисёр жойда қолоқликка ҳам, камчилик ва нуқсонларга ҳам ўрин бўлмаслиги даркор. Ишни эпломаётганлар айнан ана шулардан ибрат ва андоза олишса, дуруст бўларди. Таассуфки, бундай эмас. Юқорида келтирилган мисолларнинг аксарияти таъминот ва хизмат кўрсатувчи, назорат қилувчи идора ва ташкилотлар ҳамда баъзи хўжалик субъектлари фаолиятидан олинди. Мамлакатимиздаги янгича иш услублари, ислоҳотлар баробаринда эришилаётган марралар афсуски, улар учун мезон бўлолмаяпти. Оқибат эса бир-бировни қонуний мадад, мурувват ва манфаатдан баҳраманд этишга эмас, баъзи ҳолларда панд беришга олиб келаяпти. Назорат тадбирлари яхшиямки, бундай нуқсонларнинг кўпини бартараф этди.

Ҳаётнинг ўз таомили бор. Кимга ҳолис кўмак берсанг, албатта, кези келиб ўзинг ҳам ундан мадад оласан. Тадбиркорлик ҳаракати бугун ана шундай мададга муҳтож, эртага эса бутун мамлакат ундан қувват олади. Шу боиски, давлатимиз ҳам, унинг йўлбошчиси ҳам тадбиркорга қайишади, қўллайди. Қонунларимиз қўллаганни қўллайди, назарга илмаганни назардан қолдиради. "Кўмаклашганнинг кўмакчиси кўп", деган ибратли нақл ҳам балки халқимиз дилидаги ана шу ҳис-туйғулар боис юзага келгандир?! Ҳар ҳолда халқимиз ҳақ ва нақл ибратли. Халқимиз ва давлатимиз ҳоҳиш-иродасини албатта, қўлламоқ даркор.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taassuf

Talab, taklif, mulohaza

ЖАЗОНИНГ МАҚСАДИ – ЖАВОБГАРЛИКДАН ОГОҲ ЭТИШ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Жисмоний ёки ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятни содир этганларга нисбатан шубҳа пайдо бўлганда, ҳеч иккиланмасдан тўғридан-тўғри таъзир турдаги енгил, мисол учун жарима, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш, жамоатчилик иззаси каби жазолардан фойдаланилган, ҳатто жазодан озод қилиш тартиби ҳам қўлланилган. "Гумон — иймондан айиради", деган ҳадисдан ҳам жиноят процессида самарали фойдаланилган. Ислом ҳуқуқида жазонинг мақсади тўғрисида турли асосли фикр-мулоҳазалар баён этилган. Мисол учун ўлим жазосини қўллашдан мақсад жамиятни жиноятчидан буткул халос этиш бўлса, қасос жазоси жамиятда ижтимоий адолат ҳиссини уйғотишни кўзда тутади, деб қаралган. Таъзир туридаги жазолар айбдорни кейинчалик бирон-бир жиноятга қўл урмаслик руҳида қайта тарбиялаш воситаси, деб тушунилган. Умуман олганда, ислом ҳуқуқида ҳам деярли барча жазоларга жиноятларнинг олдини олиш, камайтиришга эришишнинг умумий чораси сифатида қаралган. Бурҳониддин Марғиноний ўзининг "Ҳидоя" асарида жазога шундай таъриф беради: «**Жазо мақсади — жиноят содир этмаслик учун қўрқитиш", таъзир жазоси — инсонни тузатиш демакдир. Бундай жазони ҳар ким ҳар хил қабул қилади, баъзи бировни тузатишда изза беришнинг ўзи етарли бўлса, бошқа кимсани тузатиш учун қамоқ ҳаттоки тан жазони қўллаш зарур ҳисобланган».**

XVIII асрдан бошлаб Европа ҳуқуқ мактаблари жиноятларга белгиланиши лозим бўлган жазо тўғрисида нисбатан маърифатли, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ғоялар, қарашларни илгари сурди. Ҳозирда бу давлатларнинг жиноят ҳуқуқи ёки жиноят қонунчилиги замирида, икки-уч аср илгари яратилган таълимот асосида, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиб қарор топди. Ш.Монтескье, Ч. Беккария, Вольтер сингари файласуфлар жиноят ҳуқуқини шакллантиришда ижобий ғояларни илгари сурган назариётчилари сифатида эътироф этилади. Жумладан, Ш.Монтескье жиноят ҳуқуқи билан боғлиқ ўз қарашларини "Персид хати", "Қонун руҳи ҳақида" рисолаларида баён қилган. Бу рисолаларда ўша давр жиноят ҳуқуқини танқид қилган ҳолда, диний соҳадаги жиноятлар учун жазо белгилашни қонунда қатъи белгилаш талаби қўйилган. Унинг фикрича, жазолаш билан қўрқитиш (ҳатто ўша даврдаги гулханда ёқиш) жиноятнинг олдини олишда самарали воситаси бўла олмайди. Диний қарашлар замирида содир этилган жиноятларга ўлим жазоси қўлланилмаслиги керак, Ш. Монтескье жиноятларнинг олдини олишда жазонинг муқаррарлиги муҳим омил бўлишига тўхталиб, жумладан, шундай дейди: "Ҳар қандай тартибсизликнинг сабабларига эътибор қаратинг, шунда сиз жазонинг кучсизлигини эмас, жиноятнинг жазосизлигини кўрасиз".

Чезари Беккарийнинг "Жиноят ва жазо" рисоласида жиноят ҳуқуқига инсонпарварлик тамойилини сингдиришга доир қарашлар мужассамлашган. У қонунда жиноят содир этган шахсни қамоққа олиш, сўроқ қилиш ва жазолаш билан боғлиқ жиноят белгилари кўрсатилишини таъкидлаган. Ч.Беккарий **жазонинг мақсади айбдорнинг яна жамиятга зарар етказмаслиги ва бошқаларни ҳам зиён етказишидан сақлашидан иборат бўлиши лозим,** деган хулосага келган. Дарҳақиқат, ҳозирда ҳам ҳар қандай турдаги жазо жиноятчидан ўч ёки қасос олишни, қийноққа солиш каби инсонни камситувчи, шаъни, қадр-қимматини ерга урувчи мақсадни кўзламаслиги лозим. Ўлим жазоси тўғрисида Беккарий шундай фикр билдирган: "Ўлим жазоси фойдасиз, чунки у инсонларни қаҳри қаттиқ бўлишига олиб келади". Ўз даврининг илғор маърифатчиси саналган бу мутафаккир жамият мақсади жиноятчиларни осиш эмас, балки уларни жамоа ишларини бажаришга ҳукм қилишдан иборат бўлмоғи даркор, деган қатъи фикрни билдирган. Ш.Монтескье, Ч.Беккарининг ҳуқуқий қарашлари Францияда "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари" тўғрисида Декларация (1789), кейинчалик эса биринчи Жиноят кодексини (1791) қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилган.

Немис файласуфлари А.Фейербах, И.Бентам, И.Кант, Г.Гегел ҳам Германиянинг жиноят ҳуқуқи фани равнақ топишига таъсир кўрсатган ижобий ғояларни олдинга сурганлар. Бу мактаб намояндалари қонунда ифоданланмаган жиноят ҳам, жазо ҳам бўлиши мумкин эмас, деган фикрни таъкидлашган. Улар ақли норасолар эркин иродага эга эмас, шунинг учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак; жиноят қонунларини қатъийлиги инсонларни жиноятдан тийишга шароит яратади, деган тамойилларга асос солганлар. Антропологик-социологик мактаб намояндалари Ч.Ломброзо, Э.Ферри, М.Ансель жиноят ҳуқуқида жиноятчининг шахсини ўрганишга жуда муҳим аҳамият бериш лозим, деган фикрни асослаб беришга уринишган. Улар: жиноят ва жиноятчининг шахсни антропология, психология, жиноят статистикаси ва жазони ижро этиш ҳуқуқи фанлари ёрдамида чуқур ўрганилса, бу жиноят ҳуқуқига алоқадор азалдан ечимини топмаган масалаларни ҳал этишга кўмаклашади, деб ҳисоблаганлар.

Ғарб давлатларида бу таълимотлардаги жиноят ва жазо масалалари кейинчалик ривожлантирилиб, "янги ижтимоий ҳимоя" назарияси ишлаб чиқилган. Бу назария замирида қуйидаги ғоялар илгари сурилган:

- жиноятчиликка қарши кураш воситаларини алоҳида олинган бир шахсни жазолаш деб эмас, жамиятни ҳимоя қилиш воситаси деб қараш;
- ижтимоий ҳимоянинг мақсади — жиноятчини жамиятдан ажратган ҳолда тузатиш ва тарбиялаш чораларини қўллаш;
- жиноятчиликка қарши кураш сиёсати жиноятчини жамият билан қайта муносабатини тиклашга, яъни уни қонун билан белгилаб берилган жамиятдаги меъёрларга риоя қилиш, одатдаги ҳаётга қайтаришга йўналтирилган бўлиши керак.

Юқоридаги мулоҳазалардан чиқадиган хулоса шуки, барча давларда жиноятчиликка қарши курашнинг асосий мезони — жазонинг мақсади жамият аъзосида қонунларда белгиланган меъёрларни бузмаслик, уларга риоя этиш талаби билан бирга жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайтариш, тарбиялаш билан бирга жамият аъзоларининг барчасида жавобгарликнинг муқаррарлиги тўғрисида хабардор қилиб, умумий тарзда огоҳлантириш чорасидан иборат бўлган.

(Давоми бор)

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Huquqiy savodxonlik sari

МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТИ

Қимматли қоғозлар-мулкий ҳуқуқларнинг кафолати ўлароқ субъектларнинг ортиқча пул заҳиралари муомаласини тезлаштиришда яхшигина имконият яратади. Дарҳақиқат, ривожланган бозор муносабатларини қимматли қоғозларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ва кучга киритилган **"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"**ги қонунлар қимматли қоғозлар бозорига доир тартиб-қоидалар белгилаб берилган асосий меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади. Фонд бозори ва акциядорлик жамиятларининг фаолиятига алоқадор асосий тамойиллар ана шу қонунларда аниқ белгилаб қўйилган. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ҳужжатларни қабул қилишда шу қонунларга асосланилади.

Мазкур соҳада муайян тартибларга риоя этиш вазифаси давлат томонидан фонд биржалари ва бирлашмалари (уюшмалари) томонидан ишлаб чиқилган савдо қоидалари воситаларида олиб борилади. Қонунда белгиланганидек, қимматли қоғозлар бозорида савдони лицензия асосида иш олиб борадиган фонд биржалари (биржаларнинг фонд бўлимлари) ва инвестиция институтлари ташкил этади. Савдо фаолиятининг асосий қоидаларига кўра, барча потенциал инвесторлар ўз маблағларини фойдали тартибда жойлаштиришлари учун уларга шарт-шароитлар яратиб бериш лозим. Шу билан бирга тузиладиган битимларнинг ихтиёрийлигига, эркин рақобат йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга, нархларни талаб ва таклиф асосида белгилаш ҳамда биржа ва биржадан ташқари операциялар, котировкалар, эмитентларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборот ошкор этилишининг шартлигига риоя қилиш лозим. Барча инвесторлар ва эмитентлар бозордан эркин фойдаланишлари, қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентларига доир ахборотнинг тўла ошкор этилиши, ахборотлардан барча қатнашчилар фойдалана олиши таъминланиши ҳам мазкур қоидалар сирасидандир. Қолаверса, инвесторлар ва эмитентларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниши, қимматли қоғозлар бозорида товламачилик ва бошқа ноқонуний фаолиятлар тақиқланиши зарур.

Қимматли қоғозлар савдосини амалга ошириш тартиб-қоидаларига тўла-тўкис риоя этилганда, қимматли қоғозларни амалиётга жорий этиш бўйича ҳеч ҳеч қандай муаммоларни юзага келтирмайди.

Алишер ЖАМОЛОВ

Istiqlol va imkoniyat

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДДАС

Азал-азалдан халқимиз менталитети, қадриятларида қонунга итоат этиш, унга бўйсуниб яшаш кучли бўлган. Бироқ ҳар қандай ҳолатда адолатни талаб қилган. Чунки адолат кетган жойда одамлар ҳаёти, қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди.

Бугун мамлакатимизда инсон, унинг эрки, қадр-қиммати ва шаъни энг катта бойлик, олий қадрият ҳисобланади. Мазкур қадриятлар эъзозланган жамиятда адолат, меҳр-оқибат, эзгулик барқарор бўлади. Бу ҳақиқатни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам яхши тушунишади. Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, маданиятни юксалтириш, фуқаролар ҳуқуқий онгини ошириш масалаларига бу идоралар ходимлари ҳам бевосита масъулдирлар.

Масалан, судларга фуқаролар адолат истаб мурожаат қилади. Чунки халқимиз судни фақат одамларни жазолайдиган идора деб эмас, балки уларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган идора деб билади. Шундай экан, нажот сўраб келган, шикоят ёзган ҳар бир киши тақдирига эътиборсизлик билан қарашни мутлақо кечириб бўлмайди.

— Парламентнинг яқинда бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари суд-ҳуқуқ тизимида хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга бўлган ишончи қай даражада бўлишини белгилайди, деб бежиз айтмадилар, — дейди биз билан суҳбатда фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раиси Эргаш Умиров. — Ўтган йили фуқаролардан келиб тушган 273та ариза ва шикоятларни барчасига холис жавоб берилди. Маълумки, ҳар бир қонун жамият, унинг ҳар бир аъзосининг манфаатларини кўзлаб қабул қилинади, шунга хизмат қилади. Шунинг учун шахснинг қадр-қиммати, шаънига ҳурматсизлик қилиш қонунга нисбатан ҳурматсизлик билан баробар.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқ-тартибот органларига кўплаб ариза ва шикоятлар келиб тушаётганининг асосий сабаби фуқароларнинг дунёқараши, ҳуқуқий тафаккур ва билимининг ўсиб бораётгани билан изоҳланади.

Ғиждувон тумани, "Халқабод" ширкат хўжалиги, Қораҳожи қишлоғида яшовчи Мўмина Ҳаитова Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига ўтган йили 21 сентябрда шикоят хати ёзади. У фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро суди туман статистика бўлимига ишга тиклаш, иш ҳақини, маънавий зарарни ундириб бериши ҳақидаги даъвосини асоссиз равишда рад этганини баён этади. Шунингдек, иш апелляцияси ва кассация тартибида кўрилмаганини билдиради.

Шикоят фуқаролик ишлари бўйича вилоят судида кўриб чиқилиб, ариза муаллифига жавоб йўлланди. Жавоб хатида ФПКнинг 348-моддасида апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устида кассация тартибида шикоят берилиши мумкинлигини кўрсатиб ўтилди. Фуқарога суд қарорларини илова қилган ва қонунга белгиланган давлат божини тўлаган ҳолда назорат тартибида шикоят қилиши мумкинлиги тушунтирилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 346-моддаси талабига кўра, биринчи инстанция судининг ажрими устидан ажрим топширилган кундан эътиборан 10 кун ичида шикоят берилиши кўрсатилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 348[1]-моддаси талабига кўра кассация шикояти бериш муддати ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан 1 йил қилиб белгиланган. Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддаси талабига кўра суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин назорат тартибида берилган аризалар кўрилмайди.

Олот туманидаги Э.Тошпўлатов номли кўча, 23-уйда яшовчи Комил Бозоровнинг Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси номига ёзган шикоятига суд юқоридаги тарзда жавоб йўллаган. Гап шундаки, К.Бозоров 1963 йилда магазинга қўшимча сарой қурган. Магазинни кейинчалик Аҳмад Сахатов хусусийлаштириб олган.

Туман ҳокими қарори билан сарой таги К.Бозоровга берилган. У судга даъво аризаси билан мурожаат қилган, А.Сахатов саройни бўшатиб беришга ваъда қилган. Бироқ ҳозиргача саройга у эгалик қилиб келяпти. Иш эса 1999 йил 29 октябрда кўрилиб, ажрим чиқарилган. Кўриб турганингиздек, яна масала ҳуқуқий билимга бориб тақалмоқда.

Инсон шаъни, ҳақ-ҳуқуқлари муқаддас. Ҳуқуқий демократик давлатнинг юзи ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонун эканлигини англасак, уни ҳурмат қилсак, эзгу мақсадларимизга, орзу-умидларимизга эришишимиз муқаррар.

Ўз мухбиримиз

Turmush chorrahalarida

Одам боласи бу дунёда яхшилик қилиш, ўзидан муносиб из қолдириш учун яшайди. Аммо шоли қурмаксиз бўлмаганидек, ҳаётда яхшиликнинг қадрига етмайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

Албатта, иккиюзламачи, субутсиз, лафзида турмайдиган бундай кимсалар вақти келиб ўз қилмишларига пушаймон бўлишади. Қолаверса, жавоб ҳам берадилар. Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа ҳам бу фикрни исботлайди.

ДИЁНАТ САБОҒИ

2003 йилнинг 1 декабрига ўтар кечаси кутилмаганда Ялама қишлоғилик Ҳожар онанинг аҳволи оғирлашиб қолди. Шифокорларнинг зудлик билан кўрсатган ёрдами туфайли дард бироз чекинди. Бироқ ярим тунга бориб, кўшимча дори-дармонга зарурат пайдо бўлди.

Шу боис тонг отишига ҳам сабри чидамаган оиланинг кенжа ўғли Шокиржон жияни Дилмуродни ёнига олиб, Сирдарё шаҳридаги навбатчи дорихонага бориш учун йўлга тушди.

Бироқ фалокат оёқ остида, деганлари рост экан. Ўша тунда уйидан соппа-соғ чиқиб кетган Шокиржон бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Келинг, яхшиси, ўша тун қандай фалокат рўй берганини унинг ўзидан эшита қолайлик.

"2003 йил 1 декабрда онамнинг аҳволи оғирлашиб қолгани сабабли уларга керакли дори-дармонларни олиб келиш мақсадида, тонг отмасдан жияним Дилмурод билан Сирдарё шаҳридаги навбатчи дорихонага бориш учун йўлга тушдик. Аммо Термиз-Тошкент трактининг Гулистон-Тошкент йўналишидаги 34-йўлнинг 74-километрида автотранспорт ҳалокатига учрадик. Мутлақо зарурат йўқлигига қарамай, давлат рақами "19 И 22-55" "Дамас" русумли автомашинани бошқариб бораётган Одил Бобомуродов ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида кўчанинг қарамақарши томонига ўтиб, йўл транспорт ҳодисасини содир этди.

Ана шу автоҳалокат натижасида мен бир умрга ногирон бўлиб қолдим. Жияним ҳам жиддий жароҳат олди. ЙПХ экспертизаси хулосасига кўра, менга етказилган зарар 1.313.295 сўмни ташкил этди. Айбдор сўзсиз қилмишига иқрор бўлди ва зарарни тўлиқ қоплашга ваъда берди".

Энг ёмони, Ҳожар опанинг хаста юраги бу совуқ хабарни кўтаролмади. Унинг юраги қаттиқ хуруж қилиб, орадан бир неча кун ўтгач, ёруғ оламдан кўз юмди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jinoyatga jazo muqarrar

БИР ҚАРИЧ ЕР

Бир қарич ер... Халқимиз азал-азалдан ерга меҳр қўйиб келган. Ахён-ахёнда рўй бериб турадиган ер жанжали ҳам бор гап. Бироқ бу жанжалнинг тагида ҳар доим манфаатдорлик ётиб келганлигини унутмаслик лозим.

Хўш, бу жанжал экин майдони эмас, арзимаган бир қарич ер, тошдек қотган тупроқ учун бўлса-чи? Бунинг устига, жанжал тарафлар қадимдан "бор товоғим, кел товоғим" қилиб келаётган яқин қўшнилар ўртасида юз берса-чи?..

Ҳеч ким бу дунёдан ҳеч нимани орқалаб кетмайди. Жумладан, ўзига тегишли ҳовли-жой, ер майдонини ҳам. Азалий қўшнилар Турсунбой ва Жумағалилар буни англашмасмиди?

Қисқаси, икки қўшни ўртасидажанжал кафтдеккина оралиқ, мутлақ аҳамиятсиз бўлган озгина ер майдони устидан келиб чиқди. Турсунбой ҳовли этагида шох-шаббаю юлғунлардан қўй кўра тикларди. Керакда. Қўранг бўлса, молҳолинг бегона майдонга ўтмайди, қўшнинг ҳам улар дастидан зарда қилмайди.

Турусунбой шу хаёлда қитир-қитир ҳаракатланаркан, кутилмаганда чўчиб тушди:

— Ҳорма, ҳорма!

У ишдан тўхтаб, орқасига ўгирилган эди, қаршисида ўзаро ака-ука қўшнилар Жумағали ҳамда Узоқбойга кўзи тушди. Салом-алик асносида Жумағали қўра томонга кўз югуртирди ва бирдан юзи буришди.

— Менинг еримга ўтиб кетибсан-ку! — деди жаҳл аралаш. — Қўрангни икки метр нарига ол!

— Йўғ-э, — деди Турсунбой, — чегара чизиғидан ўтмаганман.

— Ҳеч ҳам ундай эмас! — гапга қўшилди Узоқбой. — Қўрангни силжит! Ҳаммаси салом-аликдан бошланган гап жанжалга айланди. Узоқбой ва Турсунбой ерда ётган белкуракка ёпишди. Белни чеккароққа отиб юборганда-ку, ҳеч нарса бўлмасди. Аммо жаҳл отига миниб, ақлини еган Турсунбой ундай қилмади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

ДУНЁ ЎЗГАРМОҚДА...

деб ёзади журналист Жулия Ниман

Хўш, унинг бундай хулосага келишига нима сабаб бўлди? Кейинги йилларда сиз билан биз яшаётган курраи заминимизда қандай ўзгаришлар юз кўрсатди? Қуйида ана шундай саволларга жавоб топишингиз мумкин.

Яқинда "National Geographic" компанияси томонидан чоп этилган янги дунё харитасини диққат билан кузатсангиз, кейинги йилларда она заминимизда ўн етти мингдан ортиқ ўзгаришлар содир бўлганини кўришингиз мумкин. Дейлик, Эверест чўққиси сўнгги йилларда бир қадар "ўсган". Харитада янги-янги шаҳарлар пайдо бўлгани қайд этилган. Хуллас, унда киши диққат-эътиборини тортадиган бир қатор янгиликлардан воқиф бўласиз. Шунингдек, компания янги дунё харитасидан ташқари ўз ўқувчиларига унинг иловасини ҳам тақдим этган. Ушбу иловани диққат билан ўқиб чиқиб, ундаги турли жадвал ва графикларда берилган сўнгги йилларда ер биосферасида бўлган ўзгаришлардан тортиб, ҳайвонат оламидаги янгиликлар ҳам кўз олдингизда намоён бўлади.

Келинг, унда қайд этилган айрим ўзгаришлар билан ўқувчиларимизни ҳам таништириб ўтайлик. Масалан, бугун дунёда энг аҳоли кўп истиқомат қиладиган шаҳар сифатида Токио эътироф этилади. Айни кунларда ушбу шаҳар фуқароларининг сони 35,3 миллион нафарни ташкил қилади. Бундан беш йил муқаддам эса Токио фуқароларининг сони 32,3 миллион нафарни ташкил этган. Ўртадаги фарқни ҳисоблаб олиш қийин бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Шунингдек, бугунги кунда жаҳондаги 45 та шаҳарда аҳоли сони 5 миллион нафардан ошади. Беш йил аввал эса, уларнинг сони бор-йўғи 39 та эди.

Компания бош картографи Аллен Кэрроллнинг фикрига қараганда, "аҳоли сонининг кескин кўпайиши, йирик шаҳарлар сонининг ортиши, жаҳон иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар, охир-оқибат бугунги дунёмиздаги вазиятни ўзгартириб юбориши мумкин. Жумладан, иқтисодий рақобатнинг ортиб бориши оқибатида табиий бойликлар (олтин, кўмир, нефть, газ)га инсониятнинг эҳтиёжи ортиб боради. Айниқса, бу ҳолат аҳоли сони ва иқтисодиётининг кескин ўсиши натижасида Хитой ва Шимоли-шарқий Осиё мамлакатларида яққол кўзга ташланади. Шунингдек, нефть ва газнинг нархи ҳам йилдан-йилга ошиб борса боради-ки, лекин арзонлашмайди".

Жаҳон сиёсий ҳаётидаги жиддий янгиланишлар ҳам дунё харитасидаги бир қатор ўзгаришларга сабаб бўлди, деб бемалол айтиши мумкин. Масалан, кейинги йилларда Югославия деб аталадиган мамлакат дунё харитасидан ўчирилиб, унинг ўрнига янги – Сербия ва Черногория атамалари киритилди.

Шунингдек, афсонавий Эверест чўққисининг "бўйи" бугун 8 минг 850 метрни ташкил қилади. Маълумки, аввалги жаҳон харитасида бу рақам 8 минг 847 метр-у, 90 сантиметр, деб қайд этилган. Демак, бугунга келиб Эверестнинг "бўйи" 2 метр-у 10 сантиметрга "ўсган". Қолаверса, бу "ўсиш" технологик тараққиётнинг ҳам "таъсири" бўлиши мумкин. Чунки бундан беш йил аввалгига нисбатан бугунги кунда турли ўлчов воситаларининг янада аниқроқ ишлайдиган турлари яратилганини ҳам назардан қочирмаслиги керак.

Аллен Кэрролл журналист билан суҳбатида бу мавзуга ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Жумладан, у технологик тараққиёт ҳақида фикр юритаркан, шундай дейди: **"Бугун жаҳон картографлари ўзлари учун аниқ ишлашнинг энг қулай ва замонавий технологик воситаларидан фойдаланишмоқда. Масалан, ернинг суъний йўлдошлари ёрдамида биз ҳар қандай дарё ёки тоғнинг кенглиги, узунлиги ёки баландлиги ҳақида миллиметрма-миллиметр аниқ маълумот олишимиз мумкин".**

Янги жаҳон харитаси яратувчилари хаританинг тузилиши ва мундарижасига ҳам бир қатор ўзгаришлар киритишган. Жумладан, харита иловасига биргина ёввойи табиат ҳақида 6 та бўлим киритилган. Шунингдек, ўқувчилар ушбу иловада бугунги кунда қанча ичимлик суви заҳираси борлиги, дунё транспорт тизими ривожи, аҳолига коммуникация хизмати кўрсатишнинг ўсиши, турли зиддиятлар ва терроризм, миграция, жаҳонда аҳоли саломатлигига эътибор, аҳолининг илм-фанга бўлган муносабатидаги ўзгаришлар...

Хуллас, жаҳоннинг янги харитаси ва унинг иловаси билан эринмасдан танишиб чиқсангиз, мақоламиз аввалида таъкидлаб ўтганимиздек, 17 мингта катта-ю кичик ўзгариш ва янгиликлар билан танишишингиз мумкин бўлади.

Ислом ҲАМРО
тайёрлади

ДИЁНАТ САБОҒИ

Turmush chorrahalarida

(Давоми. Боши учинчи бетда)

2. ЯХШИЛИК

Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилган Одил Бобомуродовнинг иши жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судида 2004 йил 6 февраль куни кўриш белгиланди.

Тергов материалларига кўра, айбланувчи О.Бобомуродов транспорт воситасини бошқарувчи шахс сифатида "Йўл ҳаракати қоидаси" талабларини қўпол равишда бузиб, фуқаро, яъни Ш.Қодировга **"ҳаёти учун хавфли бўлган, ўртача оғирликдаги шикаст етказиш"** жиноятини содир этган. Шунингдек, у Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 11 декабрда тасдиқланиб, 2001 йил мартда амалга киритилган **"Йўл ҳаракати қоидалари"**нинг, **"агар йўлнинг қатнов қисми йўл чизиқлари билан бўлакларга ажратилган бўлса, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қатъий равишда белгиланган бўлакларда амалга оширилиши керак",** деб кўрсатилган 11.7-банди талабларини ҳам қўпол равишда бузган, деб топилди.

— Ака тушуниб турибман, айбдорман, — деди Одил бир куни Шокиржоннинг уйига келиб. — Лекин қамалиб кетсам, институтдаги ўқишим нима бўлади?! Бунинг устига оилалиман. Нима десангиз, қиламан. Фақат ёрдам беринг, жон ака!

— Бўлар иш бўлди, — деди бўшашиб Шокиржон, — сени қаматган билан оёғим бутун бўлиб қолармиди. Ўзбекчилик, деган гап бор, сен айтмасанг ҳам, ўзим судда ёрдам бермоқчи эдим.

Хуллас, О.Бобомуродовнинг ўз қўли билан ёзган тилхатига мувофиқ, Сирдарё "Автохизмат" АЖ томонидан берилган экспертиза хулосасига биноан Ш.Қодировнинг автомашинасини таъмирлаш учун кетадиган харажатларини қолган 700.000 сўмини икки бўлиб, яъни 350.000 сўмини 1 мартгача тўлиқ бериб қутуладиган бўлди. Тилхатга гувоҳлардан ташқари адвокат Э.Расулов ҳам имзо қўйганди.

Шундай қилиб, жабрланувчилар Ш.Қодиров, Д.Матқосимов, А.Шаймоновлар 2004 йил 6 февраль куни судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирги вақтда айбланувчи О.Бобомуродов билан ярашганликларини, у узр сўраб, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганини инобатга олиб, унга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўрашади.

Суд Жиноят кодексининг 66-моддасини қўллаб, айбдор ва жабрланувчиларнинг ярашганини инобатга олиб, О.Бобомуродовни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

3. ОДАМНИНГ ОЛАСИ

ичида, деб бекорга айтишмаган экан. Шокиржоннинг қўйнини "пуч ёнғоқ"қа тўлдирган Одил шу кўйи қорасини кўрсатмади.

Бунинг устига Шокиржонни ногирон бўлиб уйда ўтириб қолгани етмагандек, Ҳожар она ҳам раҳматлик бўлиб кетди. Шунда ҳам, ундан кейин ҳам, 15-20 кунда бўйнимдаги қарзни узаман, деб ваъдани қуюқ қилган Одил, пул у ёқда турсин, ҳатто кўнгил сўраб келишга ҳам ярамади.

Ака-ука, қариндош-уруғ Шокиржонни ёлғизлатиб қўйишгани йўқ. Айниқса, умр йўлдоши Эътиборхон унга суянчиқ бўлди, кўнглини кўтарди. Оғилхонадаги мол-ҳол, айрим кераксиз бисотлар ҳам сотилиб кетди.

Шокиржон оилада яхши тарбия топган эди. Шу боис у Одилдан пулни бермагани учун эмас, балки йигит киши бўла туриб, лафзида турмагани учун дили қаттиқ оғриди.

Кейин у ўйлай-ўйлай охири О.Бобомуродовдан етказилган моддий зарарни қолган қисмини, яъни 700.000 сўмни ундириб беришни сўраб, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судига кассация шикояти билан мурожаат қилди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация ҳайъати 2004 йил 23 сентябрда мазкур ишни кўриб чиқиб, 2004 йил 6 февралдаги Сирдарё тумани судининг О.Бобомуродовга нисбатан жиноий ишни тугатиш тўғрисидаги ажримни ўзгаришсиз қолдирди.

Чунки ярашув аризаси бергани учун Ш.Қодиров ўз ҳуқуқларини ўзи чегаралаб қўйганини жуда кеч тушунди. Тушунди-ю, ўз ёғига ўзи қоврилди.

Аммо шундай бўлса-да, қонун моддий зарарни фуқаролик иш юритуви тартибида ундириб олиш ҳуқуқини берди.

4. АДОЛАТ ЮЗАГА ЧИКДИ

Бу орада О.Бобомуродов истиқомат қиладиган Сурхондарё вилояти Ангор тумани, Толлимаржон ширкат хўжалиги 6-бўлимига ўнлаб хат-хабар, адвокатларнинг огоҳлантириш хатлари жўнатилди. Лекин бундан бирор-бир натижа чиқмади.

Шундан сўнг Ш.Қодиров етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраб, Тошкент вилояти адлия бошқармасига қўшимча ариза билан мурожаат қилди.

Ҳақиқатан ҳам, Ш.Қодиров даволанганлиги учун 49.062 сўм, кейинчалик амбулатор тартибида соғлигини тиклаш учун 160.000 сўм сарф-харажат қилгани ўз тасдиғини топди.

Шундай қилиб, моддий зарар учун 700.000 сўм эмас, балки 909.062 сўм ундирилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси 2004 йил 19 августда (№12-1/3048-рақамли) фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига фуқаро Ш.Қодировнинг манфаатларини кўзлаб, етказилган 909.062 сўм моддий ва 500.00 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси киритди.

Суд 2004 йил 22 ноябрда мазкур масалани кўриб чиқиб, 909.062 сўм моддий ва 100.000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилувчи қарор қабул қилди. Бир сўз билан айтганда, адолат қарор топди.

Тўғриси, шу ўринда мақоламизга нуқта қўйсак ҳам бўларди. Чунки Ш. Қодиров ўз кўзлаган мақсадига етди. О. Бобомуродов томонидан ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни қонун йўли билан ундириб олди. Лекин ҳар икки томоннинг ўртасида турган виждон, деган ҳакам ҳам бор эди. Шокир Одилнинг лафзига ишониб, виждонига қулоқ тутиб, биринчи босқич судда ўз даъвосидан воз кечди. Одилчи? Аксинча, ўз виждонига қарши иш тутиб, лафзсизлик қилди. Шокирнинг яна овора-ю сарсон бўлишига сабабчи бўлди. Шунинг учун ҳам у энди Шокирга 700.000 минг сўм эмас, балки кўпроқ тавон пули тўлайди. Қолаверса, қариндош-уруғ, ёр-биродарларининг олдида юзи ерга қаради. Субутсиз, деган ном олди. Йигит кишига эса бундан ортиқ жазо йўқ...

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jinoyat anatomiyasi

ҲУКМ ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ!

Бу ибора илк марта қачон ва ким томонидан ишлатилганини кўпчилик билмаса керак. Аммо жаҳон жиноятчилик тарихини варақлаб кўрсангиз, бу ибора ўз даврида нақадар даҳшатли аҳамият касб этганига гувоҳ бўлиш мумкин. Қуйидаги воқеалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

ЭНГ ШАФҚАТСИЗ ЖАЗО

1442 йилда Англияда жуда катта шов-шувга сабаб бўлган суд ҳукми ижро этилади. Роджер Болинброк исм-шарифли руҳонийнинг қатл маросими, халқнинг кўз ўнгида, ҳатто ўша вақт учун ҳам жуда ғайриоддий ва шафқатсиз тарзда амалга оширилади.

Гап шундаки, суд уни герцогения Глостерскаяга қарши уюштирилган суиқасд иштирокчиларидан бири, деб топади ва ўлим жазосига ҳукм қилади. Қироллик судининг ҳукмига кўра, аввалига уни халқ кўз ўнгида осишди. Кейин эса дорда жон таслим қилган руҳоний отанинг кўзларини ўйиб олишди. Энг даҳшатлиси, жаллодлар бу шафқатсизликдан ҳайратланиб, нафас олмасдан "томоша" қилиб ўтирган халқнинг кўз ўнгида жиноятчининг танасини тўртга бўлади.

Шунинг учун ҳам "Роджер Болинброк иши" жиноятчилик тарихида суд томонидан энг шафқатсиз жазо қўлланилган "иш"лардан бири сифатида қолган.

"ТИЛСИЗ РУҲОНИЙ"

Бургундия (ҳозирги Франция)нинг Аррасса шаҳри фуқароси, руҳоний ва рассом Жеан ля Витт 1459 йилда инквизация трибунали томонидан ҳибсга олинади. Унга нисбатан "сеҳргарлик ва жодугарлик ишлари билан шуғулланганлик" айби қўйилади. Маълумки, ўша даврларда инквизаторлар айб эълон қилиниб, қамоққа олинган фуқароларга нисбатан исталган қийноқ турини қўллаши мумкин эди. Чунки бундай қийноқ усулларини қўллаш учун қонунда рухсат берилганди.

Узоқ ва даҳшатли қийноқлар оқибатида ҳар қандай айбсиз, лекин сабр-матонатли одам ҳам қилмаган айбини "бўйнига олиш"га мажбур бўлар эди. Албатта, ўз даврининг зиёлиларидан бири ҳисобланган фуқаролар орасида рассомлик ва руҳонийлиги билан машҳур бўлган Жеан тергов жараёнидаги бундай қийноқ усулларидан хабардор бўлмаслиги мумкин эмасди. Шунинг учун бўлса керак, у ҳибсга олинган биринчи куниёқ ўз тилини тишлаб, узиб ташлашга ҳаракат қилади. Айнан мана шу сабабга кўра, "Жеан ля Витт иши" жиноятчилик тарихига "тилсиз руҳоний" номи билан кириб қолган.

Энг қизиғи шундаки, ўз жонига азоб бериб, ўз тилини тишлаб ўзиб ташлагани ҳам Жеанни муқаррар қийноқлардан қутқара олмайди. Унинг саводли эканлигидан хабардор бўлган терговчилар турли қийноқ усулларини қўллаб, ундан "айбига иқрорлик" ҳақида ёзма маълумот олдилар. Ана шу "иқрорнома"га таянган суд, охир-оқибат уни олий жазога ҳукм қилади.

"ЖОДУГАР ОВИ"

1623-1631 йилларга келиб, инквизаторлар "жодугар ови-"(!)га берилиб кетишади. Айниқса, Вюрцбург шаҳрилик князь-епископ Филипп Адольф фон Эренберг бу борада жуда "машҳур" бўлган. У ўзи раҳбарлик қилаётган Вюрцбург епископлиги ва қўшни Бамберг епископлиги ҳудудидан яқин бир ярим минг нафар "жодугар"ни тутиб, қатл эттиришга "муваффақ бўлган"...

Филипп ўз ишига шу даражада "берилиб" кетадики, охир-оқибат ўзининг пуштикамаридан бўлган фарзанди, якка-ю ёлғиз ўғлини (!) ҳам "жодугар"ликда айблайди. У пайтларда жодугарликда айбланган "жиноят"чи, шубҳасиз, олий жазога ҳукм этиларди. Ота ўз айбсиз фарзандини кўра-била туриб, ўлим жазосига ҳукм қилиши, бу жиноятчилик, қолаверса, инсоният тарихида ҳам камдан кам учрайдиган ҳодиса.

Бутун епископлик аъзолари, аббатлар, руҳонийлар Эрнестнинг ҳаётини сақлаб қолиш, унинг беайблигини исботлашга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар. Лекин ота – князь-епископ Филипп Адольф фон Эренберг ўз сўзида "қаттиқ" туриб олади. Яъни ўз ўғлини "жодугарлик ишлари билан шуғулланганлиги учун олий жазо"га тортилишига "эришади". У ўз ўғли устидан ўтказилган суд жараёнида сўзлаган нутқида "ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ", деган иборани ишлатган экан...

Хуллас, қатлгоҳга тўпланган оломон — томошабинлар нафасини ичига ютганча воқеалар ривожини кузатиб турарди. Қатл учун керакли бўлган барча-асбоб ускуналар майдонга келтирилиб, жаллодлар ўз жойларини эгаллагач, айбсиз-айбдор Эрнест фон Эренбергни олиб келишади. Сўнгги дақиқагача отасининг "кўнгли юмшаши"дан умидвор бўлган Эрнест яшашдан умидини узади. Лекин унинг бекордан-бекорга ўлиб кетгиси келмасди. Шунинг учун бўлса керак, бемалол қиличга суяниб турган жаллодлар бошлиғининг қуролини тортиб олади ва унга ҳамла қилади. Кутилмаган ҳол жаллодлар ва миршабларни шоштириб қўяди. Лекин улар кўпчилик ва жаллодбошининг кўмакчилари ёш ва бакувват йигитлар эди. Эрнест уларни енга олмаган бўлса-да, махсус қатлгоҳда жаллод қўлида эмас, балки жанг майдонида рақиби — жаллодлар бошлиғининг ёрдамчиси берган болта зарбидан ҳалок бўлади.

Хорижий ОАВ материаллари асосида И. ҲАМРОЕВ тайёрлади.

Jinoyatga jazo muqarrar

БИР ҚАРИЧ ЕР

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Аксинча, белнинг сопидан икки қўллаб тутиб, унинг қирра томони билан Узоқбойнинг бошига туширди. Узоқбой юзига сизиб тушаётган қонни сидириб ташларкан, йўлбарсдек ҳамла билан Турсунбойга ташланди. Турсунбой эса Узоқбойнинг қонталаш боши узра иккинчи зарбани берди. Узоқбой кулади.

Укаси Узоқбойнинг оғир аҳволга тушиб қолганлигини кўрган Жумағали жон ҳолатда ердаги таёққа ёпишди ва важоҳат билан уни Турсунбой томонга отди. Зарбага шай турган Турсунбой эса, кўзларига қон тўлиб, қўлидаги белкуракни Жумағалига ўқталди, унинг бошига, дуч келган жойларига устма-уст тушира бошлади...

Ака-ука Жумағали ва Узоқбойлар туман касалхонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилди. Суд-тиббий экспертиза хулосаси ака-укаларнинг бош мия ва бошқа аъзоларига шикастланиши билан боғлиқ оғир даржадаги тан жароҳати етганини тасдиқлади. Жароҳатнинг ўта жиддийлиги боис жабрланувчилар Республика касалхонасига кўчирилди, ҳар иккалови бош мия жароҳати бўйича операция қилинди. Узоқбойнинг ўнг қўли ногирон бўлиб қолди.

Ака-укалар ҳаётини хавф остида қолдирган, уларга кучли таҳдид ўтказган "қўрқмас ботир" Турсунбой Сейтимов ким? Суд бу саволга мукаммал жавоб берди. Ҳужжатларда кўрсатилишича, қабоҳатга қўл урган жиноятчи Турсунбой Сейтимов 1981 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида туғилган. "Қаршиғали" фермерлар уюшмаси ҳудудида яшайди. Ўрта маълумотли, оиласиз. Бирон-бир жойда ишламайди.

Эҳтимол, мана шу ишсизлик ҳолати мазкур фожеани келтириб чиқаргандир. Эҳтимол, айбланувчида қўниқўшничилик, ошна-оғайнигарчилик каби миллий қадриятларимизни эъзозловчи умуминсоний фазилатлар етишмагандир? Нима бўлганда ҳам, суд уни айбига яраша жазолади. Жиноят ишлари бўйича Қораўзак тумани суди ҳукмига кўра, фуқаро Турсунбой Сейтимов саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ундан жабрланувчилар Жумағали ва Узоқбой Иматдинов фойдасига 500000 сўмлик маънавий ва 517435 сўмлик моддий зарар ундириб олинди.

Бир қарич ер... Инсоннинг мол-дунёга тўядиган куни борми? Ҳа, фақат кўзи тупроққа тўлганда, дейишади. Азал-азалдан келаётган инкор этиб бўлмас ҳақиқат бу. Шундай бўлгач, беш кунлик ёруғ дунёда ер, бойлик талашиб яшаш инсофданми? Ҳайратомуз томони шундаки, биз қисқача тавсифини келтирган қўшни биродарларнинг катта нохушлигига сабаб бўлган нуқтадек ер, "Қаршиғали" овул фуқаролар йиғини раиси Парахат Отаровнинг судда гувоҳлик беришича, икки ҳовли-жой оралиғидаги эгасиз бўш майдон бўлиб, на Турсунбой ва на Жумағалига тегишли экан. Ҳали ўз ҳисобида бўлмаган ер майдони учун жанжал кўтариб, сенменга боришни, бир-бировга қурол ўқталиб, оғир тусдаги тан жароҳати етказишни одамгарчиликдан деб бўлармикин? Келинг, ушбу кичкина тарих барчамизга ҳаётий сабоқ бўлсин. Ўткинчи дунё машмашаларини унутиб, бойлик орттиришга бўлган ҳирсимизга барҳам берайлик. Ҳамиша ИНСОН деган муқаддас номни улуғлаб, эзгу-тилаклар билан яшайлик.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Баҳор нафаси

Инсон табиатнинг шоҳ асари. Яратган ундан ҳеч бир марҳаматини дариғ тутмаган. Унга ўзи яратган бошқа жонзотлардан фарқли уларок, ақл-идрок, онг-тафаккур, меҳр-муҳаббат, эзгулик, оқибат, садоқат каби гўзал ва бетакрор туйғуларни ҳам берган. Ана шу фазилатлари туфайли ҳам инсон бошқа жонзотлардан тубдан фарқ қилади. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бошқа жонзотлардан бир поғона юқори туради ва коинотнинг гултожи, деб аталади.

Аммо эзгуликнинг душмани ёвузлик, ақлнинг душмани жаҳл бўлгани каби, азал-азалдан инсон билан яратгувчининг орасига нифоқ солувчи шайтон мудом бандаларнинг хато қилишини пойлаб юрар экан. Иймон-эътиқоди бўш бандалар эса, аввал шайтоннинг ноғорасига ўйнаб, кейин афсус чекиб юрадилар.

Касби туманилик Муродилла (айрим сабабларга кўра исмларни ўзгартириб бераяпмиз) Тошкент шаҳрида эл ҳурмати ва ишончини сақлашдек вазифани бажарарди. Қишлоқдагилар, тенгдошлари унга ҳавас қилишарди. Эл-юрт орасида ўзига яраша обрў-эътибори бор эди. Ахир, чекка бир вилоятда келиб, Тошкентдек азим шаҳарда, яна қўриқлаш бўлинмасида ишлаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди...

Барча ота-онанинг орзуси фарзандининг бахту иқболини кўриш бўлади, албатта. Муродилланинг ота-онаси ҳам не-не орзу-умидлар, яхши ниятлар билан уни уйлантириш тараддудига тушишди. Тўйга саноқли кунлар қолганида Тошкентдан таътилга чиқиб, уйига келган Муродилла тўй ташвишлари, ҳар хил майда-чуйда юмушлардан ортиб, дўстлари билан улфатчилик қилишга ҳам вақт топди.

Ана шундай улфатчиликларнинг бирида у ошналари Шавкат ва Баҳодир билан тижорат дўконида ўтириб ароқ ичди. Ичкилик туппа-тузук Муродилланинг тизгинини шайтонга тутқазди. Ароқдан тўйиб олган қаҳрамонимиз, шайтон қаёққа етакласа, ўша томонга юришга тайёр бўлиб қолган бир пайтда шиша дош улфатларидан бири Шавкат:

— Айтгандай, Муродилла нега отанг билан жанжаллашдинг, ҳатто ўзинг Тошкентдан олиб келган телпак ва чопонни ҳам ундан тортиб олибсан, шу ростми? — деб сўраб қолди.

Jinoyat va jazo

АЗАГА АЙЛАНГАН ТЎЙ

СУД ОЧЕРКИ

— Эсинг жойидами, нималар деяпсан? Ёки отам сенга бирор нарса дедими? — саволга савол билан жавоб қайтарди жаҳли чиқа бошлаган Муродилла.

— Йўқ, қишлоқда шунақа гапсўзлар юрибди.

— Ие, қишлоқда гап тарқалган дейсанми? Ҳали отам мендан кўрадиганини кўради.

— Э, қўйсангчи, отанг билан жанжаллашиб юрасанми энди, — гапга аралашди Баҳодир.

— Сени ишинг бўлмасин, —Муродилла пиёладаги ароқни ича туриб унга ёвқараш қилди.

Шундан сўнг улфатлар дўкондан чиқиб, улфатчиликни Баҳодирникига давом эттиришди. Ҳар пиёла ароқдан кейин жаҳл отига маҳкамроқ ўрнашаётган Муродилланинг миясида нуқул "бу гапни отам тарқатган", деган фикр чарх урар ва ҳеч ўзини қўлга ололмасди.

Хуллас, у жаҳл отига миниб, уйга келганида поччаси Бектемир ва қўшниси Ҳамид тўй маслаҳатга йиғилишган экан. Муродилла меҳмонлардан ҳам уялмай отасига ўшқириб кетди:

— Нега мени устимдан бўлмағур гапларни тарқатиб юрибсиз?

— Нималар деяпсан, болам, — деди меҳмонлар олдида ўнғайсиз аҳволга тушган ота. — Кел, аввал ўтир, нима гаплигини бизга ҳам тушунтир.

Ароқнинг кучи ва шайтоннинг қутқусига учган ўғил отанинг гапини эшитгиси келмади. Кутилмаганда:

— Мен сенга гап тарқатиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, — деди-ю падари бузрукворининг ёқасига ёпишди.

Унинг ҳаддидан ошаётганлигига чидолмаган Ҳамид ота болани ажратиб қўймоқчи бўлиб ўртага тушди.

— Бор, сен қолувдинг аралашмаган,— дея Муродилла унинг ҳам ёқасидан олди.

— Бу ерга сенинг ҳурматинг учун тўйнинг маслаҳатига келгандим, жанжал томоша қилгани эмас. – Маст одам билан тортишиб ўтириш беҳуда эканлигини билган Ҳамид уйига чиқиб кетди.

— Кетма, ахир, жанжални тўхтатиш керак, — деб орқасидан эргашиб чиққан Бектемирга ҳам "э, ўзлари ҳал қилсин", — деб қўл силтади.

Уни қайтаролмаган Бектемир уйга қайтиб кирса, жанжал авжига чиқаётган экан. У қайниси Муродиллани инсофга чақирмоқчи бўлиб орага тушди. Кўзи қонга тўлиб, ароқнинг кучи билан қутурган қайин "Сен ҳам йўқол, кўзимга кўринма", дея поччасини силтаб ташлади. Бундан жаҳли чиққан Бектемир ҳам "билганинг қил" дегандек қўл силтаб, қайнотасининг уйини тарк этди.

Шундан сўнг ота бола ўртасида қандай гап ўтганлиги ёлғиз худога аён. Фақат қуюшқондан чиққан ўғлини тартибга чақириш учунми ёки ўзини ҳимоя қилиш учунми, бу ёғи бизга қоронғу, ҳал ҳолда ота ёнида турган темир чойнак билан ўғлининг бошига уради. Бундан жаҳли чиқиб кетган Муродилла отасининг қўлидан чойнакни тортиб олади ва кутилмаганда унинг бошига кетма-кет зарб беради... Ва ниҳоят, ўзига келиб, отасининг бошидаги қонни кўрган Муродилла нима қилиб қўйганини англаб етади ва уйдан қочиб кетади.

Тўй ташвишлари билан юрган Муродилланинг укаси Жамшид уйга келиб, отасининг боши ёрилган ҳолда беҳуш ётганини кўради ва зудлик билан уни шифохонага олиб боради. Афсуски, энди отанинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмайди. Шифокорларнинг барча саъй-ҳаракатлари бесамар кетди. Ўғли томонидан етказилган жароҳатдан кўп қон кетиши натижасида ота шифохонада ҳаётдан кўз юмади...

Мазкур жиноят юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Суднинг ҳукмига биноан не-не гўзал орзулар остонасида турган, саноқли кунлардан сўнг бахт кошонасига қадам қўйиши керак бўлган Муродилла Зуфаров суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Аянчлиси ҳам отасидан, ҳам озодликдан айрилган йигит бир умрга парадаркуш деган тавқи лаънатга қолди. Бу фожеанинг содир бўлишида қишлоқдошларнинг, ота ва ўғил атрофидагиларнинг ҳам айби бор. Чунки арзимас гапсўзлар, беҳуда миш-мишлар туфайли улар ўртасида жанжал чиқди, орадан диёнат кўтарилди. Оқибатда эса жиноят юз бериб, бир инсон умри хазон бўлди. Фарзанд падаркушга айланди. Агар Муродилла ичкиликнинг, қаҳрғазабнинг, жаҳлнинг аввали девоналик, оқибати эса пушаймонлик эканлигини билганида эди, агар ҳамқишлоқлар ўзлари тарқатаётган миш-мишлари алал-оқибат қотиллик билан якунланишини тушунганларида эди, Муродилланинг мастлигини кўра била туриб, қўшниси Ҳамид ёки поччаси Бектемир жаҳл билан қўл силтаб кетиб юбормаганида эди, ушбу фожеа юз бермасмиди?!

Афсуски, жиноят юз берди. Тўй учун яхши ниятлар билан йиғиб-терилган мол-мулк азага сарфланди.

Тўғри, қотил ўғил суд ҳукми билан қилмишига яраша жазо олди. Лекин у бўйнига илинган падаркуш, деган тавқи лаънатдан абадул-абад қутула олмайди. Энди бўлар-бўлмас гаплардан миш-миш ясаб, эл орасида тарқатган қўниқўшнилар, мастлигини кўра била туриб, миш-мишларни Муродиллага етказган улфатлари ўз виждонлари олдида қандай жавоб берадилар?!

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Charxi kajraftor

МЕҲРИБОН ЎҒРИ

Одатда, ўғирлик, талончилик ёки ўғрилар ҳақида эшитганимизда, албатта, уларга нисбатан кўнглимизда нафрат уйғонади. Аммо буни қарангки, ўғрилар орасида ҳам раҳм-шафқатлилари учраб турар экан.

Майямида юзига ниқоб кийган ҳолда виллага ўғирликка тушган Майкл ана шундай тоифасидан чиқиб қолди.

Гап шундаки, уй бекаси ўғрига тасодифан дуч келиб қолган пайтда у ошхонада кумуш идиш-товоқ ва бошқа қимматбаҳо буюмларини қопга жойлаётган эди. Табиийки, кекса уй бекаси азбаройи қўрқ қанидан юраги ёмонлашиб, ўғрининг кўз олдида хушидан кетади. Майкл эса шу ондаёқ "Тез ёрдам"ни чақирди ва аёлни ҳушига келтиришга ҳаракат қилади. Шифокорлар етиб келишганида беҳуш ётган аёлнинг ёнида ўлжа солинган қоп ҳамда меҳрибон ўғрининг "Сизга соғлиқ тилайман!" дея ғамхўрлик билан битилган дастхати турар эди.

ҚУРҚҚАНГА ҚУШ КЎРИНАДИ

Барчанинг назарида, энг қўрқмас кишилар полициячилар бўлса керак. Акс ҳолда арвоҳни тутишга ҳам полициячини чақиришармиди?! Баварияннинг Ньюрнберг шаҳрида яшовчи аёл ҳам худди шундай йўл тутди.

Ярим тунда у полиция маҳкамасига қўнғироқ қилади ва эсанкираган куйи уйидаги девордан аллақандай овозлар эшитилаётганини айта туриб, "булар арвоҳлар бўлса керак", дейди ваҳима билан. Полициячилар ўз бурчини ҳақиқий немисчасига адо этадилар. Улар зудлик билан чақирилган жойга етиб келиб, уйнинг ҳамма томонини бирма-бир кўздан кечиришади. Шунда улар кийим-кечаклар сақланадиган жавондан бека ўчиришни унутиб қўйган радиоприёмникни топиб олишади...

ҚИММАТГА ТУШГАН ЖАСОРАТ

Бу дунёда жасорат ёки мардлик ҳамиша юксак қадрланган. Лекин америкалик бир полициячи жасорати туфайли товон тўлашга мажбур бўлди. Воқеа эса қуйидагича кечган эди.

Техасда 34 ёшли Бернард исмли ўғри метрода кетаётган бир муштипар кампирга ҳужум қилади ва унинг нарсанини олиб қочади. Буни кўриб қолган полиция ходими қочиб кетаётган ўғрига қарата ўқ узади. Сўнг жароҳатланган ўғридан кампирнинг қиймати арзон бўлган дафтарчасини қайтариб олиб беради. Ва... полициянинг бу жасорати ўзига қимматга тушади. Ярадор бўлган ўғри полиция ходими хизмат бурчини бажараётганида ўзига берилмаган ҳуқуқдан фойдаланганлигини, яъни унга нотўғри ўқ узганлигини асос қилиб судга ариза беради. Оқибатда шўрлик полициячи киссавурга 4,5 миллион доллар товон пули тўлашга мажбур бўлади.

Динора АХМАТОВА тайёрлади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-215. Тиражи — 7034. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5